

# ЯНГИ ЙИЛИНГИЗ ҚУТЛУФ БЎЛСИН!

ILM OLMOQQA INTILISH - HAR BIR MUSLIM VA MUSLIMA UCHUN QARZ-U FARZI!

## ZIYO SENA SEMENTI



ABDULLA QODIRIY NOMLI JIZZAX DAVLAT PEDAGOGIKA INSTITUTI GAZETASI

№ 1 (171) \* \* \* 2009-YIL YANVAR \* \* \*

1993-YIL 21-MARTDAN CHIQA BOSHLAGAN

### АБДУЛЛА ҚОДИРИЙ НОМИДАГИ ЖИЗЗАХ ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ РЕКТОРАТИ, КАСАБА УЮШМАЛАРИ ВА «КАМОЛОТ» «ЁШЛАР ИЖТИМОИЙ ҲАРАКАТИ

профессор-ўқитувчиларни,  
талаба-ёшлар ва олийгоҳ  
жамоасини Янги 2009 йил билан  
муборакбод этади.

Янги йилда ҳар бирингизга  
бахт-саодат, оилангиз аъзолари-  
рига сиҳат-саломатлик тилаб  
қоламиз. Дилларингиздаги эзгу  
истаклар йўлдошингиз бўлсин!

### «ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИ - ЕНГИЛМАС КУЧ

Барчамизга эва бўлган қорақчи,  
қардаки бепарволик ва лоқайлик  
ҳукм сурса, энг долзарб масалалар  
ўзибуларчиликка ташлаб қўйилса, ўша  
ерда маънавият энг оғир ва заиф нуқ-  
тага айланади. Ва аксинча, қарда ху-  
шёрлик ва жонқуярлик, юксак ақл-  
идрок ва тафаккур ҳукмрон бўлса, ўша  
ерда маънавият қудратли кучга айла-  
нади.

И. КАРИМОВ.

Бугунги кунда давр талабидан келиб чиқ-  
қан ҳолда ҳар биримиз тобора кучайиб бора-  
ётган турли хавф-хатарларга қарши доимо  
сиратқ. оғоҳ ва хушёр бўлиб яшашимиз зар-  
ур. Агрофимизда кечибётган очқидан-очқид  
ва кўз илтамас хуружлардан жабрланганлар  
сони тобора ортиб бориётганлиги барчамизга  
сир эмас. Одам савдоси, ичкиликбозлик, қаш-  
шандалик, гиеҳвандлик, диний-эксотре-  
мистик гуруҳларга кўшилиб кетиши ва шу  
каби бир қанча салбий таъсирлар остида қо-  
лаётганларнинг асосий қисмини ёшлар таш-  
кил этиши масалани нақадар жиддий эканли-  
гининг яққол далилидир. Чунки, биламизки,  
ёшлар давлатнинг қолажаги ва истиқболли,  
қудратли жамият пойдеворидир. Шунинг  
учун ҳам салбий таъсирларнинг асосий қисми  
ёшлар маънавиятига қараб йўналтирилмоқда.  
Бунинг анлаган президентимиз ёшларга қатъ  
эътибор бериб, қатъ имкониятлар яратиб  
берди.

Биз ёшлар нафақат ўқув даргоҳларида,  
балки радио-телевидение, матбуот, интернет  
каби воситалар орқали раиғ-баранг ахборот  
ва маълумотлар олмоқдамиз. Оқу-қорани аж-  
ратиб, олган маълумотларни тўғри қабул қи-  
либ ҳукм чиқаришимиз бизнинг маънавий  
оламимизга боғлиқдир. Бу олам эва ёшлигимиз-  
дан шаклланиб боради. Ахир прези-  
дентимиз ҳам «Юксак маънавият - енгилмас  
куч» асариде бежизга «Ёшларимизнинг маъ-  
навий оламида бушлиқ вужудга келмаслиги  
учун уларнинг қалби ва онгиде соғлом ҳаёт  
тарзи, мийлий ва умумбашарий қадриятларга  
ҳурмат-эҳтиром туйғусини болалик пайти-  
дан бошлаб шакллантиришимиз зарур», - деб  
таъкидлаган.

Маънавиятимизни тобора бойитиб бориш  
эва ўз қўлимизда. Салбий ахборот ва маълум-  
отлардан ҳам тўғри ҳулоса чиқари олар экан-  
миз, маънавий оламимизда бушлиқ бўлмас  
экан, ҳеч ким, ҳеч қачон бизни бўйсундира  
олмайди. Ёшлари маънавиятининг давлат эва  
қудратли ва фаровондир.

Мен президентимизнинг «Юксак маъна-  
вият - енгилмас куч» асарини ўқиб туриб  
яна бир бор шунинг анладимки, маънавия-  
тимизни қудратли кучга айлантириш учун  
оғоҳ, зийрак бўлишимиз лозим. Ким  
эканлигимизни, кимнинг фарзандларини  
эканлигимизни зиҳор унутмайлик.

ОҒОҲ БЎЛИНГ ТЕНГДОШИМ!

Шҳиоза Эргашева,  
Ўзбек филологияси  
факультетининг  
3-босқич талабаси

ШУНУНДА:



2-бет

- \* Мустақиллик дарс-лари ва эзма ишларни баҳолаш бўйича тавсиялар.
- \* Олим - Мустафоқул Каримов 70 ёшда.

3-бет

- \* Фан номзодлари са-фи ошмоқда.
- \* Хорижий тилларни ўрганишга бағишлан-ган семинар.

4-бет

- \* Дунёвий адиб Чингиз Айтматовни хотирлаб.
- \* Иқтидорли талабаларимиз билан таништирамиз.
- \* Ташқарида қор, кўнгилда баҳор.

## «МУСТАҚИЛЛИК ДАРСЛАРИ» – СЕМЕСТР ДАВОМИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги тавсиясига мувофиқ «Мустақиллик дарслари» тугаллангандан сўнг ҳар бир талаба ёзма иш тайёрлаши лозим.

Анъанага айланиб қолган истиқлол байрами муносабати билан ҳар йили ўқув муассасаларида ўтказиладиган «Мустақиллик дарслари»нинг ўрни ва роли ошиб бормоқда.

Бу эса, ўз навбатида, «Мустақиллик дарслари»ни ўтказиш билан боғлиқ бўлган услубий тадбирларни янада такомиллаштириш, уларни ҳозирги кун талаби даражасига кўтариш, мазкур дарсларга тайёргарлик кўриш ва ўтказишда мутасадди бўлган ўқув муассасаларининг раҳбарияти, кафедра мудирлари, профессор-ўқитувчиларнинг масъулиятини янада оширишни тақозо этади.

2008-2009 ўқув йилида «Мустақиллик дарсларини»ни олий таълим муассасалари бакалаврият босқичининг I курсида 8 соат, юқори курсларда ва магистратура босқичининг 1-2 курсларида ҳамда академик лицей ва касбхунар коллежларида эса 2 соат ҳажмида ўтиш тавсия этилмоқда.

Бакалаврият босқичининг I-курс талабалари учун ўтиладиган 8 соатлик «Мустақиллик дарслари» олдидан турган, юқорида қайд этилган вазибалардан келиб чиқиб, шунингдек, «Ўзбекистон мустақил тараққиёт йўлида» фото-кўргазма, мустақилликка бағишланган видеофильмлар, «Асрларга тенг йиллар» деб аталувчи рангли ва истиқлол йилларида мамлакатимиз эришган ютуқларни факт ва рақамлар асосида кўрсатиб берувчи плакатлар мажмуасини талабаларга тўлиқ таништириш лозимлигини назарда тутиб ҳамда мустақиллик байрамининг ҳар бир йили асрларга тенг эканлигини ҳисобга олиб, I-семестр давомида дарс жадвалига киритилган ҳолда ўтиш ва яқунлаш зарур.

«Мустақиллик дарслари» тугаллангандан сўнг, ҳар бир талаба мустақиллик нима, у халқимизга қандай имкониятларни яратиб берди, Ватанимизнинг истиқлол учун олиб борган кураши тарихи ва унга эришиши, мустақиллик йилларида мамлакатимизда амалга оширилган ислохотларнинг моҳияти ва мазмуни, истиқлол ҳар бир инсон тақдирида қандай рол ўйнаётганлиги, мустақилликни мустақамлашда талабаларнинг шахсий ҳис-

саси нималардан иборат бўлиши кераклиги ва шу каби масалалар тўғрисида ёзма иш (иншо) тайёрлаши лозим. Талабаларга ёзма ишнинг мавзусини танлашда, унинг режасини тузишда уларга ижодий тарзда ёндашиш зарурлигини, талабалар ўзларининг мустақиллик тўғрисидаги мулоҳаза ва фикрларини очиб беришда ўқитувчилардан маслаҳат олиш мумкинлигини уқдириш керак. Масалан, талабалар ўз ёзма ишлари учун «Мустақилликни мен қандай тушунаман», «Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт - пировард мақсадимиз», «Ватан - миллат бешиги», «Тенглар ичида тенг яшаш - бизнинг мақсадимиз», «Биз замоннинг фидойиларимиз», «Юксак маънавият - энгилмас куч», «Миллий гоа - менинг тақдиримда», «Мустақилликка менинг ҳиссам», «Эркин ва фаровон ҳаётни юксак маънавиятсиз қуриб бўлмайди», «Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатлари - энг олий қадрият», «Ёшлар иили» - менинг тақдиримда», «Ёшлар камоли - олий саодат» каби мавзуларни танлаб олишлари мумкин.

Назоратнинг бундай шакли, биринчидан, барча талабаларни бу муҳим ишга жалб қилиш имкониятини берса, иккинчидан, уларда ўзлаштирилган материалларга ўзининг шахсий муносабатини ёзма тарзда баён этиш масъулиятини оширади.

«Мустақиллик дарслари» тугаллангандан сўнг, талабаларга ёзма ишни бир ҳафта ёки 10 кун муддат ичида уй топшириги сифатида мустақил бажариш имконини бериш керак. Бундай шароитда талабалар Президент Ислам Каримов асарларидан, тавсия этилган бошқа адабиётлардан фойдаланиш, уларни ўрганиш давомида ўзларига ёққан фикрларни шитата - иқтибос сифатида қайд этиш ва таҳлил қилиш, баъзи масалалар бўйича домлалари, ўртоқлари ва оила аъзолари билан маслаҳатлашиш имкониятларига эга бўладилар.

Аввало, талабалар томонидан тайёрланган «Ёзма ишлар» ўқув гуруҳи даражасида ташкил этиладиган илмий семинарда муҳокама этилиши, баҳоланиши лозим. Талабанинг ўзлаштириш кўрсаткичи рейтинг баллари куйидагича аниқланади: дарсадаги фаоллиги 0-20 балл оралиғида, «Ёзма иши» 0-80 балл оралиғида баҳоланади, улар қўшилиб якуний балл чиқарилади. Демак, «Мустақиллик дарслари» I-курс учун тузилган ўқув режасида назарда тутилган махсус курс ҳисобланади ва ҳар йили шу шаклда уюштирилади.

«Мустақиллик дарслари» ҳар бир талабанинг асрлар давомидаги курашларида қўлга киритилган мустақиллик халқимизга нима берганини аниқ ҳис этиши ва англашига, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини бузишга интилувчи террорчи, экстремистик, айирмачи гуруҳлардан нафратланишга ва доимо огоҳ бўлишга, йигит ва қизларни жамиятимиз олдидан турган вазифаларни амалга оширишга сафарбар этишга ёрдам бериши керак.

## БИЗ ИЙМОН – ЭЪТИҚОДЛИ ЁШЛАРМИЗ

«Диний ақидапарастлик ва миссионерлик муаммолари» мавзусида семинар ўтказилди.

Семинарни институт ректори, профессор О.Дўсматов кириш сўзи билан очди.

«Миссионерлик ва пролетизм: мақсадлар, вазибалар, усуллар ва молиявий манбалар» мавзусида вилоят ҳокимининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ёрдамчиси С.Ғозиев, «Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва ёшлар орасида жиноятчиликнинг олдини олиш» мавзусида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони ходими Н.Ҳошимов, «Миссионерлик фаолияти ва унинг олдини олиш чора-тадбирлари тўғрисида» Тошкент Давлат Ислам университети ўқитувчиси Ж.Нажмиддинов, «Диний-маърифий ва маънавий-ахлоқий тарбиянинг долзарб масалалари» ҳақида Жиззах вилояти бош имом хатиби М.Жабборов, «Диний адабиётлар ва манбалар: танқидий ва таҳлилий муносабат зарурияти» тўғрисида институт доцент А.Тангиров, «Миссионерликнинг олдини олишда миллий гоанинг ўрни» мавзусида институт «Камолот» ЁИХ етакчиси Ф.Ақчаев чиқиш қилдилар. Шунингдек бу мавзуда видеофильм намойиш этилди.

Маърузачилар ва сўзга чиққан нотичалар диний ақидапарастлик ва миссионерликнинг пайдо бўлиши тарихи, унинг бугунги кунда бир қатор давлатларда илди олгани ва унга қарши курашда кенг жамоатчилик, ва айниқса ёшларимиз олдидан турган муҳим вазифаларга тўхталдилар.

Гавҳар АХМАДОВА,  
«Зиё чашмаси»  
газетаси муҳбири

## БОШ ҚЎШИҒИМИЗ ДУНЁ УЗРА ТАРАЛМОҚДА

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинганлиги муносабати билан давра суҳбати ўтказилди.

Маънавий-маърифий ишлар проректори, доцент А.Тангировнинг кириш сўзидан сўнг «Ўзбекистон Республикаси Маҳияси ҳақида» доцент Б.Мирқомиллов, «Давлат рамзларини шарафлаш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир» мавзусида катта ўқитувчи С.Назарқосимов маъруза қилдилар.

Давлат рамзлари ҳақидаги масала юртбошимизнинг ташаббуси ва фидойилиги туфайли 1990 йил март ойидаёқ парламент сессиясида муҳокама этилган, ўша йилнинг 20 июнида қабул қилинган Мустақиллик декларациясида эса Ўзбекистон ўзининг тараққиёт йўлини, ўз номини белгилаши ва давлат рамзларини ўзи таъсис этажаги қайд қилинганлиги. Ўзбекистон давлат маҳияси 1992 йил 10 декабрь кун Олий Мажлиснинг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган. Маҳия муаллифи Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов, Ўзбекистон халқ артисти, атоқли композитор Мутал Бурҳонов маҳияга бетакрор куй басгалаган.

Бугун маҳиямиз таълим масканларида ёш авлодни Ватанга меҳр-муҳаббат, садоқат ва ифтихор руҳида тарбиялашга хизмат қилаётир. Халқимизнинг ўтмишини, бугунини ва келажагини, куч-қудратини, орзу умидларини ўзида тўла акс эттирган бош қўшиғимиз дунё узра мангу таралмоқда.

Тадбирда профессор - ўқитувчилар ва талабалар сўзга чиқиб ишбу муборак қўшиқ ҳақида тўлқинланиб гапирдилар.

Ф.ҚУШНАЗАРОВ

## СЕРМАЗМУН УМР, ИБРАТЛИ ҲАЁТ

Тўйхат ўрнида

Мураббий, олим ва раҳбар фазилатларини мужассамлантириб, бу соҳаларнинг ҳар бирида ибратли из қолдириб яшаш осонми? Филология фанлари номзоди, доцент, камтар устоз Мустафоқул Каримов шундай кутлуғ ҳаёт йўлидан келмоқда. Домла бу йил етмиш баҳорни нишонламоқда.

Халқимизда «Одамни меҳнат улуглайди» деган нақд бор. Дарҳақиқат, инсон ўз меҳнати билан эл-юртга танилади ва манзур бўлади. Устоз Мустафоқул Каримов ҳам ўз билими, ҳаётда меҳнат билан тобланиб, узоқ йиллик тажриба, изланиш ва машаққатли синовлардан ўтиб эл наза-рига тушган олимлардан. Унинг ҳаёт йўли оддий, аммо ибратли.

У 1965 йили Самарқанд Давлат дорил-фунуни ўзбек филологияси факультетини муваффақиятли тамомлаб, мактабда ўқитувчи бўлиб иш фаолиятини бошлади.

Илмга бўлган интилиш уни олий даргоҳларга етказди. Домла 1969 йилдан Сирдарё давлат педагогика институтини, 1975 йилдан эса Жиззах Давлат педагогика институтини ўзбек адабиёти кафедрасида ўқитувчилик қила бошлади. Адабиёт фанини ҳаётининг мазмуни деб билган Мустафоқул Каримов 1974 йилда «Яқин тиллардан қилинган таржиманинг муаммолари» мавзусида номзодлик диссертациясини муваффақиятли ёқлайди.

Бу заҳматкаш олим 40 йилдан бери таълим даргоҳларида ҳалол меҳнат қилиб, етук малакали мутахассис кадрлар тайёр-

лаш ва республикамизда адабиётшунослик ҳамда мумтоз адабиёт тарихи фанини ривожлантириш ишига муносиб улуш қўшиб келмоқда. У кўп йиллар «Ўзбек адабиёти» кафедрасида мудирлик лавозимида ишлаб, маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириб ва ёш ўқитувчиларнинг илмий-педагогик салоҳиятини юксалтириш ишида муносиб ҳиссасини қўшди.

Устоз Мустафоқул Каримов бағри кенглиги, ҳаётни тўғри тушуниши, чин инсонийлиги билан шогирдлари қалбини ром этган. Изланувчан олим, моҳир педагог сифатида институт жамоаси ўртасида ўз ўрнига эга.

Олимнинг бир юз элликдан ортиқ илмий-оммабоп мақолалари, 3 та рисоласи нашр қилинган. Уни вилоятимиз адабий жамоатчилиги мумтоз адабиёт билимдони сифатида танийди. У институт қошидаги 2-лицейда ҳам адабиёт фанидан дарс бериб келмоқда.

Устознинг «Чингиз Айтматов асарлари ўзбек тилида», «Таржиҳа бекаму кўст бўлсин», «Манас», «Тоғта етиб таржима қилиш санъати», «Бадий таржиҳадўстлик қуроли» каби мақолалари ва бир



қатор рисолаларида таржиҳа-бу, қайта яратиш санъати эканлигини чуқур очиб беришга эришилган. Бу ҳол, талабаларимизнинг таржиҳа санъати ҳақида анча батафсил маълумот олишларига имконият беради.

Қўҳна шарқимиз алломаси Абдураҳмон Жомий «инсон табиятининг олий маҳсули, уни асраб-авайлаш даркор» деган эканлар. Олимнинг хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланган. Устоз халқ маорифи аълочиси. Фанга умр бахшида қилган устоз мураббий Мустафоқул Каримовга кутлуғ ёшингиз муборак бўлсин, ҳамisha соғ-саломат бўлиб, илмий фаолиятингиз янада баракали ва салмоқли бўлсин, дея тилак билдирамиз.

Исомиддин ИКРОМОВ,  
ўзбек адабиёти кафедраси  
мудир, доцент.  
Нодира СОАТОВА,  
ўзбек адабиёти кафедраси  
доценти.

# ТАНИШИШ, ЯНГИ ФАН НОМЗОДЛАРИ




2007 йилда институтимизда битта докторлик ва 4 та номзодлик иши ҳимоя қилинган бўлса, 2008 йилда 9 та номзодлик иши ёқланди.




**Кайсар ўРОЛОВ**  
Педагогика мутахассислиги.




**Шаҳноза АЛМАМАНОВА**  
Ўзбек тили мутахассислиги




**Файрат ҚОДИРОВ**  
Ботаника мутахассислиги.




**Дилфуза ИМОМОВА**  
Ботаника мутахассислиги.



**Суннат СОЙИПОВ**  
Ўзбек адабиёти ва манба-шунослик мутахассислиги.



**Фулом ДАМИНОВ**  
Кимё мутахассислиги.



**Салоҳиддин АЛИҚУЛОВ**  
Педагогика мутахассислиги.



**Гулжаҳон ЖУМАНАЗАРОВА**  
Ўзбек тили мутахассислиги

Янги йил арафасида биз институтимиз профессор ўқитувчилари ва талаба-ёшлари номидан уларни чин қалбдан муборакбод этамиз. Илмий, ижтимоий ва оилавий ҳаётларида янгидан янги муваффақиятлар тилаб қоламиз.

**Илм-фан чўққиларини забт этишда асло ҳорманг, устозлар!**

## ИЛМИЙ ВА ЎҚУВ-УСЛУБИЙ СЕМИНАР

Шу йилнинг 19 декабр куни институт кутубхонасининг мажлислар залида хорижий тиллар факультети илмий ва ўқув-услубий семинарининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни факультет декани, доцент А.Нурмонов қисқача кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг институт ўқув ишлари проректори, профессор Н.Алимов семинар иштирокчиларига таълим тизимидаги долзарб масалалар, институтда ўқув жараёнининг бориши ва бу борада амалга оширилиши зарур бўлган долзарб муаммолар хусусида гапирди.

Илмий ва ўқув-услубий семинарда хорижий тилларни ўқитиш ва бу жараёнда инновацион педтехнологияларнинг ўрни хусусида маърузалар тингланди. Инглиз тили ва адабиёти кафедраси mudiri, профессор Муҳаммаджон Холбеков «Европа иттифоқи тил ўргатиш дастури (портфели) ва унинг асосий тамойиллари» ҳақида маъруза қилди. Олим ўз маърузасида олий ўқув юртлирининг таълим тизимига Европа иттифоқига кирувчи мамлакатлар тарафидан қабул қилинган (Болония декларациясида) кредит технологиясини жорий этишнинг ўзинга хос қулайликлари ва буни миллий таълим тизимига мослаштириш йўриқлари ҳақида тўхталиб ўтди. Айни пайтда у Европа Иттифоқи мамлакатларида синовдан ўтаётган «Чет тилларни ўқитиш

ва ўргатишдаги янги дастур ҳамда режалар билан семинар иштирокчиларини таништириб ўтди. Шунингдек, кафедранинг кейинги икки йил ичида бу борада амалга оширилган ишлари хусусида тўхтади. Кафедра жамоаси эндиликда чет тилларни ўқитиш соҳасида етакчи марказлар ҳисобланмиш Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети ва Самарқанд Давлат чет тиллар институти билан яқин алоқа ўрнатган. 2008-2009 ўқув йилида кафедранинг етти нафар ўқитувчиси Жаҳон тиллари университетида малака оширади, беш нафар еш ўқитувчи бу илм даргоҳида илмий тадқиқотчи сифатида

фаолият кўрсатаётти. Улардан Н.Исма-това ва Ф.Норбеков номзодлик диссер-тациаларини ҳимоя қилиш арафасида. Шунингдек, кафедрамизда етакчи олимлардан, профессорлар Ж.Жалолов, Б.Боқиева, доцентлар Н.Қамбаров, М.Усмонов, Қ.Тожиёвларнинг талаба-ларимизга маърузалар ўқиши режалаш-тирилган. Ўтиб бораётган 2008 йил ка-федрамиз фаолиятида ҳам самарали бўлди. Май ойида институтимизда «Олий ўқув юртлиларида хорижий тил ва адабиёт ўқитишнинг долзарб муам-молари» мавзусида илмий-амалий ан-жуман бўлиб ўтди. Талабаларимиздан Гаваҳар Расулова ва Зулфияр Яхшиева Навоий номидаги давлат стипендияси соҳибдори бўлишди. Иқтидорли тала-

баларимиз ўз маърузалари билан қатор анжу-манларда иштирок қилдилар.

Инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси Илҳом Жўраев ўз маърузасида «Инглиз тили ва адабиёти ўқитувчиларининг XII халқаро Тошкент анжумани» ҳақида фикр юритди. Маърузачи анжуман ишида респуб-ликамик олийгоҳлари, мактаб, академик ли-цей ва касб-ҳунар коллежларида инглиз тили-ни ўқитишда замонавий педтехнологиялар-дан фойдаланишнинг турли усуллари таҳлил этилганлиги хусусида гапирди. Шунингдек, республикамиз вилоятларида инглиз тили ўқитувчилари ассоциацияларини тузиш ва уларнинг республика чет тили ўқитиш маркази билан яқиндан алоқа ўрнатиши зарурия-тининг анжуман кун тартибидаги асосий ма-салалардан бири бўлганлигини таъкидлади.

Йиғилиш сўнгида хорижий тиллар факультети қошидаги илмий ва ўқув-услубий кен-гаш раҳбарлари доцент У.Пирназаров, до-цент А.Эрназаровлар семинарларнинг 2008-2009 ўқув йилидаги фаолиги ҳақида сўзла-дилар. Семинар ишида профессор-ўқитув-чилар, магистрант ва иқтидорли талабалар ҳам фаол иштирок этишди. Уларнинг фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

(Ўз мухбиримиздан)

ЧИНГИЗ АЙТМАТОВНИНГ 80 ЙИЛЛИГИГА

Чингиз Торокулович Айтматов  
Қирғизистон Республикаси Талас вилояти  
Карабўра райони Шекер қишлоғида 12 декабр  
1928 йилда зиёли оиласида туғилган.

## ДУНЁВИЙ АДИБ

### УНИНГ УНВОНЛАРИ РЎЙХАТИ:

1968 й Қирғизистон Республикаси халқ ёзувчиси.  
1974 й Қирғизистон Республикаси Фанлари Академияси раҳбари.  
1978 й СССР Халқ Депутати.  
1979 й Қирғизистон Республикаси Тоқтоғул номидаги Давлат мукофоти лауреати.  
1989 й СССР Ленин мукофоти лауреати.  
1989 й СССР Давлат мукофоти лауреати.  
1983 й Европа Фанлари Адабиёти Санъати Академияси ҳақиқий аъзоси.  
1987 й Бўтун Жаҳон Фанлари Академияси аъзоси.  
1987 й Германия Демократик Республикаси Фанлар Академияси аъзоси.  
1986 й СССР «Иссиққўл» форуми Президентлиги.  
1986 й Социалистик Меҳнат Қаҳрамони.  
1989 й Италиянинг «Этрурия» Олтин Буюк мукофоти лауреати.  
1988 й Хиндистон давлати Жавоҳарлал Неру мукофоти лауреати.  
1985 й Япония давлатининг Шарқ филологияси мукофоти лауреати.  
1988 й АҚШ мамлакатининг «Адолатга чақирик» Халқаро мукофоти лауреати.  
1989 й Люксембург, Белгия мамлакатларида СССР, кейинчалик Қирғизистон Республикасининг ҳақиқий мухтор элчиси.

1990 й Туркия Республикасининг туркий халқлар тилларини ривожлантиришда қўшган ҳиссаси учун Халқаро «Илесасий» лауреати.  
1995 й Ўзбекистон Республикаси «Дўстлик» ордени соҳиби.  
1992 й Қозғистон Халқ ёзувчиси.  
1996 й Қирғизистон Республикаси Манас ордени соҳиби.  
1999 й Ўзбекистон Республикаси «Буюк хизматлари учун» ордени соҳиби.  
1999 й Қирғизистон Республикаси Халқ Қаҳрамони.  
1995 й Россия Федерацияси «Буюк Владимир» ордени соҳиби.  
1994 й Озарбайжон Республикаси «Халқ ҳурмати эъзоси» ордени соҳиби.  
1962-1986 йй СССР Кинематографияси раҳбари.  
2000 й Германия Демократик Республикаси Мюнхенда Халқаро кинематография симпозиуми «Олтин Диск» мукофоти лауреати.  
2000 й ЮНЕСКО кўмитасининг фан, адабиёт, санъат, маданият бўлими аъзоси.  
Чингиз Айтматов юздан ортиқ мамлакатларда форумлар, уюшмалар, комитетлар, ассамблеялар аъзоси, фахрий ёрликлар, кўкрак нишони, медаллари, қимматбаҳо эсдаликлари соҳиби.  
Бугунгача Чингиз Айтматовнинг жаҳоннинг 180 дан ортиқ тилларида 30 миллион нусхадан ортиқ асарлари чоп



этилиб севиб ўқилмоқда. Ўнлаб мамлакатларда у кишининг асари асосида бадий фильмлар, спектакллар кўйилмоқда. Жумладан, «Жамила», «Сарвиқомат дилбарим», «Сариқ Озен», «Қунда», «Асрларга татигулик кун», «Юзма юз», «Оқ кема», «Чингизхоннинг оқ булутлари» ва бошқа кўплаб асарлари дунёнинг йирик шаҳарларида, Истамбул, Вашингтон, София, Прага, Мюнхен, Лондон, Рим, Токио, Улан-Батор, Варшава, Пекин ва бошқа жойларда кўрсатилмоқда.

Москвада ва Мюнхенда Чингиз Айтматов фаолияти ва ижоди тўғрисида кинохроника таёрланмоқда.

Бишкекда Чингиз Айтматовнинг оиласи, фаолияти ва ижоди тўғрисида бадий фильм яратилмоқда.

Туркияда Чингиз Айтматов Халқаро фонди тузиладиган бўлди.

Бишкекда Чингиз Айтматов номли Давлат мукофоти таъсис этиш ташкил этиладиган бўлди.

Қирғизистон Республикаси пойтахти Бишкек номига Айтматов номига айлантириш таклифлари ўрганилмоқда.

Аброр КАРИМОВ,  
Ўзбекистон Республикаси  
Қирғиз миллий-маданий  
маркази оқсоқоллар  
кенгаши раиси.

Суратда: дунёвий адиб Чингиз АЙТМАТОВ ҳар доим ана шундай ихлосмандлари даврасида эди.

## ТАНЛОВ ЯКУНЛАНДИ

А.Кодирий номли ЖДПИ ректорати, маънавий-маърифий бўлим, институт хотин-қизлар кўмитаси, институт «Камолот» ЁИХ, вилоят «Камолот» ЁИХ, Жиззах вилояти ОИТС маркази ходимлари ҳамкорликда Жаҳон СПИД (ОИТС)га қарши кураш куни муносабати билан тадбир ўтказдилар.

Шу муносабат билан факультетлар ўртасида «Ёшлар-умримиз гуллари, эртанги ҳаётимиз ниҳоллари» шиори остида ўтказилаётган расмлар ва мақолалар танлови бўлиб ўтди.

Танловда 30 га яқин илмий мақолалар, 10 дан ортиқ расмлари билан талабалар иштирок этдилар. Натижа куйидагича:

1-ўрин – Холмўминова Баҳора, педагогика факультети, 205-гуруҳ талабаси.

2-ўрин – Қобилов Лазиз, педагогика-психология бўлими, 3-курс талабаси.

3-ўрин – Камолова Баҳора, дефектология бўлими, 101-гуруҳ талабаси.

4-ўрин – Пирназарова Нигора, ўзбек филологияси факультети, 205-гуруҳ талабаси.


Расмлар танловида дефектология факультети 1-курс талабалари фаол иштирок этишди.

З.АБДУВАЛИЕВА

### ЭЪЛОН

«ЗИЁ ЧАШМАСИ» газетаси таҳририятининг янги манзили институт биносининг ректорат қисмида – иккинчи қават, 208-хонада жойлашганлигини маълум қиламиз.

## УЛУҒБЕК СТИПЕНДИЯСИ СОҲИБИ



Султонова Мадина Алишеровна 1987 йил 28 июнда Жиззах вилояти Жиззах тумани А.Навоий жамоа хўжалигида зиёлилар оиласида туғилган. У 1994 йил К.Азимов номли 10-ўрта мактабга қабул қилинди. 2005 йил шу мактабни аъло даражали шаҳодагно-

ма билан тугатди. Шу йили ЖДПИга шартнома асосида ўқишга кирди. У ўқиш давомида бир қатор илмий мақолалар ёзиб анжуманларда қатнашди.

Жумладан, 2006 йилда ЖДПИда ўтказилган «Табий фанларни ўқитиш муаммолари» мавзусидаги илмий-амалий анжуманда «Хлорий физик кимёвий хоссаларини «ақлий ҳужум» ва «кластер методида ўқитиш», 2008 йилда «Ёшлар ва замонавий техника технологиялари»га бағишланган анжуманда «Чуқурлаштирилган мактаб кимё курсини ўқитишда янги педагогика технологиялари элементларидан фойдаланиш» илмий мақолалари билан фаол қатнашиб, фахрий ёрлик билан тақдирланган. Бундан ташқари 2007 йилда «Универсиада» спорт мусобақасида фаол қатнашиб, сертификат билан тақдирланган. Ҳозирда кимё фанини ўқитишда ЯПТ (янги педагогик технология)дан фойдаланиш бўйича илмий иш олиб бормоқда.

2008 йил Мадина Султонова «Улуғбек» стипендияси совриндори бўлди.



Ўлкамизда қор, қизлар кўнгли ҳаммиса баҳор...  
Х.Носиров фотоси.

### ЯНГИ ЙИЛ

Юртим, Янги йилнинг муборак бўлисин, Истикболли шу элим қувончга тўлисин Сен менинг гурурим фаҳримсан мудом, Мангу порлаб турсин кўкда қуёшинг.

Қўлни-қўлга бериб, дўст-у ёронлар, Гузал ашбор битиб, маҳдингни қўйлар Ёзу қиши ўзига ярашган Ватан, Аждоллар истаги бу кун ушалар.

Янги йил янги ҳаётни бошлар, Мустақиллик машғули ёғдулар сочар Миллатлар бирлашиб овоз Ватанда, Дўстлик байроғини кўкка кутарар.

Ўзбегим мардлиги жаҳонга машҳур, Тилаги доимо: дўстим омон юр Бошда дўпписен-ю, қўли кўксанда, Ватанни айлади эркин, овоз, хур!

Наргиза ҚОДИРОВА,  
Ўзбек адабиёти йўналиши  
2-курс магистранти.

**МУАССИС:**  
Абдулла Кодирий номидаги  
Жиззах Давлат педагогика  
институтини

**Бош муҳаррир:**  
Абдукарим ШАРИПОВ

Редакцияга келган хатлар  
таҳлил этилмайди ва  
муаллифларга  
қайтарилмайди.  
Муаллифлар фикри  
таҳририят нуқтаи  
назаридан фарқланиши  
мумкин.

Газета Ўзбекистон  
Матбуот ва ахборот  
агентлигида № 06-028  
рақами билан рўйхатга  
олинган.

Манзил: Ш.Рашидов шоҳ кўчаси,  
Абдулла Кодирий номли Жиззах  
Давлат педагогика институтини.

«Zamin Print» МЧЖ босмахонасида  
офсет усулида 4000 нусхадан  
босилди. Буюртма №556.